

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК**Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

Г.Эрназарова

Медитатив шеърятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърятти мисолида)..... 94

С.Жумаева

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

А.Тўйчиев

Нурали Қобул ижодига умумий назар 106

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

А.Мамажонов, А.Абдуллаев

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида 114

Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи 119

Н.Умарова

Навоий асарларида “сўз” концепти 126

И.Мадраҳимов

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси 130

Д.Мадазизова

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

А.Саминов

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглари ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида 142

Ш.Бойханов

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги 147

З.Позилжонова

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ**С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожига ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

Н.Комилов

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) 157

М.Болтабоев

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи 161

С.Юлдашев

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши 164

юзаки тавсифлаш йўлидан бориш маъқул эмас, амалиётга кириб бўлган терминга ўзбекча муқобил излаш ва алмаштириш тилда бошбошдоқликка йўл очади. Хорижий терминга муносабат, аввало, у ўзлаштирилгунга қадар бўлиши зарур, ўзлаштириб бўлингандан кейин эса кеч бўлади. Бугун тилшунослар ҳам, тегишли соҳа мутахассислари ҳам ана шуни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликда жадал ва самарали иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ» [6, 159].

Н.Маҳмудовнинг луғатчилик соҳасидаги кенг қамровли илмий фаолияти амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Лексикограф олим яратган “Ёзув тарихидан қисқача луғат-маълумотнома” (1990), “Маданий-маърифий ишлар русча-ўзбекча атамалар луғати” (1990), “Комиллик калити. Маънавиятдан ўзбекча-русча-инглизча луғат” (2006) каби луғатлари ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Булар орасида таржима луғатлари алоҳида шуҳрат қозонди, унинг “Туркча-ўзбекча ва ўзбекча - туркча луғати”и (1993) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро Маҳмуд Кошғарий мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Н.Маҳмудов ўзбек халқи маданий-маърифий қадриятларини юксалтириш ва миллий ўзликни англаш йўлида чинакам сабот билан фаолият кўрсатувчи жамоат арбоби саналади. Бу, унинг оммавий ахборот воситаларидаги самарали ва изчил фаолиятида яққол кўзга ташланади.

“Ўзимиз ва сўзимиз” (1997), “Маърифат манзиллари” (1999), “Ўқитувчи нутқи маданияти” (2009) сингари рисоалари, “Сўз масъулияти”, “Ҳар бир сўз берсин садо”, “Қалбимнинг байроғидир сўз”, “Сўз зиёрати”, “Сўз ва соз” каби аксар мақолалари орқали синчков ижодкор сўз қўллаш маҳорати, сўз эстетикаси муаммоларига алоҳида эътибор қаратади.

Таниқли олим ўз фаолиятини таълим сифатини ошириш соҳасига ҳам йўналтирди, унинг маънавият ва нутқ тарбияси билан боғлиқ ўнлаб мақолалари билан бирга, “Она тили”, “Нутқ маданияти”, “Давлат тилида иш юритиш” фанларидан яратилган қатор дарслик ва қўлланмалари ёш авлодга таълим бериш учун асосий манба сифатида қўлланилмоқда.

Етакчи олим Н.Маҳмудов ўзбек тилшунослиги, шунингдек, педагогика бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгашларни узоқ йиллар давомида бошқариш билан мазкур соҳаларнинг ривожини учун муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда, Устоз салкам 40 йилдан бери илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишида ҳам алоҳида ўрнатилган бўлмоқда, унинг илмий мактабига ҳозирга қадар ўнлаб фан докторлари (И.Йўлдошев, Ш.Кўчимов, Д.Набиева, Ё.Одилов, М.Ҳақимова қабилар), фан номзоди ва фалсафа докторлари (И.Йўлдошев, Д.Зайниддинова, Ш.Кўчимов, Д.Набиева, Н.Бекниёзова, О.Пўлатова, Н.Нишонова, О.Тўхтасинова, З.Акбарова, О.Ўринова, Д.Жамолиддинова, Д.Абдуллаева, Ф.Ибрагимова, Д.Анданиязова, Ш.Сиддиқова, Ғ.Раҳмонов, Ш.Қаландаров ва бошқалар) етишиб чиқди.

Бу мактаб вакилларининг аксарияти ҳозирги кунда тилшунослик соҳасининг ривожига Устоз Низомиддин Мамадалиевич Маҳмудов билан ёнма-ён қадам ташлаб бораётганликлари қувонарли, албатта. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, республикамизнинг жуда кўплаб тилшуно-олимлари ҳам профессор Н.Маҳмудовни ўзларига Устоз деб биладилар, Устознинг маслаҳатлари, тавсияларига таяниб иш кўрадилар.

Ўзбек тили ва фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етук олим Устоз Низомиддин Маҳмудовга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, илмий-ижодий фаолиятида янада улкан зафарлар тилаймиз.

Адабиётлар:

1. Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Т.: Фан. 1992.
2. Маҳмудов Н. Тил ва маданият. -Т.: Ўзбекистон. 1992.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. -Т.: Маънавият, 1999.
5. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. -Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
6. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. -Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017.
7. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. -М.: Наука, 1987.
8. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
9. Худойберганаева Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. -Т.: Фан, 2013.
10. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. -Т.: Академнашр, 2015.

УДК: 41+808.2

РАМЗ ВА УНГА ЁНДОШ ҲОДИСАЛАР ХУСУСИДА

О СИМВОЛАХ И СМЕЖНЫХ ЯВЛЕНИЯХ

ABOUT SYMBOLS AND RELATED PHENOMENA

А.Мамажонов¹, А.Абдуллаев²¹ А.Мамажонов

– ФарДУ, тилшунослик кафедраси профессори.

² А.Абдуллаев

– ФарДУ, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада рамз ва метафоранинг умумий ҳамда фарқли томонлари хусусида сўз юритилиб, ушбу масалага оид қарашлар ёритилган.

Аннотация

В статье рассматриваются общие и отличительные аспекты символов и метафор, освещаются взгляды на этот вопрос.

Annotation

The article discusses the general and various aspects of symbols and metaphors, highlights views on this issue.

Таянч сўз ва иборалар: кўчим, рамз, метафора, образ, иллокутив куч, маъно алоқадорлиги, шартли белги.

Ключевые слова и выражения: троп, символ, метфора, образ, иллокутивная сила, коннотация значения, условный знак.

Keywords and expressions: trope, symbol, metaphor, image, illocutionary force, the connotational meaning, the token.

Илмий адабиётларда кўчимлар “бадий ифодалиликни ошириш учун кўчма маънода қўлланилган тил ёки нутқ бирлиги”, “бирор нарса ёки ҳодисани ифодалаш учун сўз ёки сўз бирикмаларининг ўз маъносидан бошқа маънода қўлланилиши” [1,55], «адабий асарнинг бадий қимматини, ифодалилигини, экспрессивликни кучайтириш учун бир нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш ёки сўзларнинг умуман кўчма маънода ишлатилиши» [2,236] сифатида талқин этилади. Аллегория, метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, ва ўхшатиш кабилар кўчимнинг энг тарқалган, қўлланувчи турларига киритилади [1,55]. Бадий ифодани ошириш воситаларидан бири бўлган, бадий матнларда фаол қўлланувчи рамз (символ) айрим ўринларда кўчимнинг, айрим ўринларда метафоранинг бир тури сифатида қаралади.

Рамз (символ) кўчим, белгиларнинг ўзига хос тури бўлиб, оламни тушунишни осонлаштириш, воқеликни образли ифода этиш учун хизмат қилади. “Рамз - моддий нарсалар ва жараёнларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган идеал мазмуни. Рамзнинг моҳиятини формал мантиқ

доирасида аниқ таърифлаш мумкин эмас.” [3,118]. Тилшунос олим М.Йўлдошев: “Рамз - бадий нутқда ҳаётини воқеа, тушунча ва предметлар ифодаси учун сўзларнинг маълум равишда кўчма маънода ишлатилиши” каби фикрни илгари суради [4,123].

Л.О.Резников фикрича, рамз белгининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган алоҳида тури ҳисобланади. Рамз ташқи ҳодиса бўлиб, шартли, лекин ўзининг яққол образи орқали бошқа маънони ифодалашга хизмат қилади. <...> Рамз ўзи аниқ (конкрет), у ифодалаётган маъно эса, у ёки бу жиҳатдан мавҳумдир. [5,149]. Рамз - бир хил қийматли маъноларнинг йиғиндиси (конгломерати) бўлиб, бошқа троплардан шу белгиси билан фарқланади [3,119].

Рамзга берилган таърифлардан келиб чиқиб, унинг ўзига хос бўлган алоҳида ҳодиса эканлиги, метафора, метонимия, синекдоха, аллегория, эпитет ва ўхшатиш кабилар эса рамзга ёндош ҳодисалар эканлигини қайд этиш мумкин.

Кўчма маъно ҳосил қилишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири — метфора “нарсасиз-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно

кўчиши" ҳисобланади [4,95] "Метафора" атамаси Аристотелга тегишли бўлиб, айнан у метафоранинг мавжуд имкониятларига илк бора эътибор қаратган. Кўчимнинг алоҳида кўриниши бўлган метафоралар айрим хусусиятлари билан рамзларга ўхшаса-да, бу икки ҳодисани ўзаро фарқлаш лозимдир.

Рамз ва метафоранинг ўзига хос табиати, воқеликни ассоциатив (образли) тарзда акс эттириш хусусияти кўплаб тадқиқотларда асосий эътиборни ўзига тортган масалалардан биридир. Кўпинча ушбу икки ҳодисанинг умумий томонлари инobatга олинган ҳолда уларни ўзаро фарқламаслик ҳолатлари ҳам кузатилади. "Рамз" атамаси узоқ йиллар давомида илмий адабиётларда ўзининг асосий маъносига мутаносиб равишда қўлланилмай, "образ", "белги", "аллегория", "метафора" каби атамалар билан алмаштирилиб келинган. Шу каби, айрим филологик изоҳли луғатларда "Символ метафоранинг бир кўриниши бўлиб, шартли равишда кўчма маънода қўлланилган сўз бирикмаси, расм, предмет" тарзида талқин этилади [6,113]. Бу каби фикрларни қатор адабиётларда ва илмий изланишларда ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, "Нутқ ҳодисасига оид метафоралар немис тилининг кичик энциклопедиясида кўринишга ажратилган. Унда персонификация, символизация, аллегория, синестезиялар берилиб, улар метафоранинг кўриниши деб қайд этилган [7,96]. "Айрим талқинларда одатий метафорани – кўчимнинг бир турини унинг бажараётган вазифасига, ифода этаётган маъносига эътибор бермаган ҳолда, рамз деб шарҳлаш ҳоллари учраб туради [8,18].

Рамзлар табиатининг ўзига ҳослиги қатор ижодкорлар томонидан турлича: ички кечинмалар асосида шаклланган образ (А.Белий), оловли белги, сирли иероглиф (А.Блок), эзотерик мифологема (В.Иванов), универсал метафора (У.Б.Йейтс) каби изоҳлар орқали талқин қилинишига сабаб бўлган. Бу каби талқинлар эса рамзларнинг метафорик мазмуннинг ҳали аниқланмаган сирлари билан боғлиқлигига сабаб бўлди [9].

Кейинги йиллардаги тадқиқотларда метафора ва рамзнинг умумлаштирувчи ҳамда фарқловчи жиҳатлари фаннинг филология, фалсафа, психология каби фан соҳаларида чуқур ўрганилмоқда.

Рамз ва метафоранинг ўхшашлиги ҳақида гап борганда, кўплаб тадқиқотчилар бу икки ҳодисадаги образлилик, маъно кўчиши, фикрнинг бошқа восита орқали ифодаланиши, интерпретацион хусусият, бошқа-бошқа маъноларнинг сунъий равишда ўзаро умумлаштирилиши, маънонинг шаклланмаганлиги, иллокутив куч¹нинг мавжуд эмаслиги кабиларга эътибор қаратилади. Метафора ва рамз тил белгиларининг асимметрия ҳодисасига асосланган ҳолда ахборот ифодалаш шаклини ихчамлаштиради, бу ихчамлик орқали янги маъно ва мазмун кашф этилади. Дарҳақиқат, субституционал жиҳатдан қараладиган бўлса, метафора ҳам, рамз ҳам бир неча сўз билан ифодалаб бўлмайдиган фикрни, бир сўз билан номлаш имконини беради. Метафорани интеракционистик нуқтаи назардан кўриб чиқилганда эса, метафора ҳам, рамз ҳам маъно ортишига хизмат қилишини кузатиш мумкин [10].

Образлилик нутқий фикр ифодалашнинг доимий элементи ҳисобланиб, метафора ва рамзни умумий асос – образ бирлаштиради. Бу ерда образ таркиби ифода ва мазмуннинг ўзаро алоқаси (табиий ёки шартли)дан ташкил топадиган семиотик тушунчаларининг асосий манбаини ўзида акс эттиради [11]. Рамзга кўп ҳолларда метафорик эволюциянинг табиий натижаси деб қаралади. Образ метафора орқали тилга кириб, метафора ўзининг кейинги семантик тараққиётида ё рамзга айланади ёки белги даражасига тушади [12,34]. Шунга қарамай, тил лексик тизимининг бу икки фундаментал ҳодисаси ўртасида фарқлар мавжуд бўлиб, улар кўзга деярли ташланмайди.

Рамзнинг тилнинг ифодавий ва тасвирий воситаларига, кўчим (троп)ларга муносабати ҳам турлича талқин этилади. В.В.Колесов нуқтаи назаридан, символ асосий образли восита ҳисобланади, у метафоранинг якуний ривожланиш даражаси ёки, аксинча, семантик жиҳатдан синкрет сўзнинг ошкор этилмаган метафориклиги сифатида намоён бўлади [13,67].

¹ Иллокутив куч – сўзловчининг вербал ва новербал имконияти (Ҳакимов М. "Ўзбек прагматингвистикаси асослари". Т. "Академнашр" 2013, 154-бет., 172 б)

Тилшунос Д.Арутюнова метафора ва рамз кўпроқ тушунишнинг эмас, интерпретация (ифода)нинг объекти эканлиги, улар бирор адресатга қаратилмаганлиги ва иллокутив кучга эга эмаслигини таъкидлайди [11].

Метафора ва метонимия кўпчилик томонидан рамзнинг шаклланишига олиб келадиган трансфер механизми сифатида тушунилади, шу орқали рамзнинг метафорик ва метонимик турлари ажратилади [14,553]. Аслида ҳақиқий рамзни ўзлаштириб бўлмайди, чунки у табиий тилнинг ривожланиш жараёнида юзага келади. Метафора эса, аксинча, сунъий яратилади [13,70]. Аммо рамз ва метафоранинг тарихий ва умумий муносабатларга боғлиқ бўлмаган фарқлари ҳам мавжуд. Бу фарқлар Н.Д.Арутюнова, А.Ф.Лосев, В.Е.Шелестюк, А.Шаропов каби олимлар томонидан очиб берилган. Уларнинг фикрига кўра, ушбу ҳодисаларнинг асосий фарқи моҳиятдаги фарқлардир. Яъни, метафора – бу кўчим, нутқ шакли, рамз эса тил белгисидир [15].

Айтиш лозимки, метафора ва рамз концептлари ўзаро кесишади, лекин улар айнан бир хил ҳодисалар эмас. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, рамз ва метафора ўртасида кескин фарқлар мавжуд. Масалан, ўзининг бошланғич нуқтасини образдан олган метафора маънони такомиллаштиради ва бу маъно баъзида лексик маънога айланиши мумкин. Рамзда эса, аксинча, шакл барқарорлашади. Метафорада образ бўлинмайди, рамзларда эса образ алоҳида белгилар (ранг, шакл ва б.)га ажралиши мумкин [11]. Шунингдек, ифодаловчи (шакл) ва ифодаланмиш (мазмун) орасидаги алоқа рамзларда метафорадан фарқли равишда конвенционал бўлади. А.Шаропов фикрича, “поэтик рамзлар метафорага нисбатан мураккаб тузилишга эга. Агар оддий метафора, жўн қилиб айтганда, қисқартирилган ўхшатиш бўлса, поэтик рамзда эса мураккаброқ зоҳирий композиция мавжуд. Метафорада акс этувчи предмет билан акс эттирувчи ўртасидаги боғланиш поэтик рамзга нисбатан осонроқ англашилади” [8,51].

Рамзлар, одатда, дейкритик вазифа бажарса, метафора эса характерловчи

хусусиятга эга бўлади. Метафора борлиқ маъносини чуқурлаштиришга хизмат қилса, рамз маънони кенгайтириши ва ундан четда бўлган бошқа маънолар оламига олиб кириши мумкин.

Мен кучлаб юзни ювмоққа,
Муздек кумуш оламан шошиб.
(Р.Хамзатов)

Юқоридаги жумлада қўлланган “кумуш” сўзи орқали матнда акс этмаган сўз (“сув”) маъносини метафора туфайли тушуниш, эстетик завқланиш мумкин. Лекин бу сўзнинг рамз бўлиши учун предметлик маъносидан ташқари, бошқа бирор-бир маънони акс эттириши, инсон ҳиссиётларини жунбушга келтириши билан боғлиқ тасаввурларни ҳосил қилиши керак бўлади. Масалан,

Тош асрнинг тошларин
Эритмади ёшларим.
Кўнглинг юмшаган бўлса,
Рўмолчангни ташлагин... (И.Мирзо,
"Малика")

Ушбу жумлада “рўмолча” сўзи муҳаббат рамзи бўлиб, у ўқувчининг ҳиссиётига таъсир кўрсатишга, муҳаббат ҳақидаги тасаввурларнинг уйғонишига сабаб бўлади.

Метафоранинг тараққий этиши семантик кучсизланиш йўлидан аниқлик сари борса, рамз эса ўз мазмунини кенгайтириб, аниқликдан четга чиқади. Натижада рамз метонимик хусусият – қисм орқали бутунни тасвирлаш ҳолатини касб этади, бунинг натижасида образни бойитади [13].

Метафоранинг аҳамиятга молик вазифаларидан бири мавҳумликни аниқлик, тушунарли ҳиссий идрок орқали рационал англаш билан ўзлаштириш ҳисобланади (ушбу хусусият рамзда асосий ўрин тутаяди). Юқорида айтилганидек, метафора образга асосланиб, у ўз белгилари билан қисман ўхшаш бўлган икки денотатни бирлаштиради. “Образларнинг яқинлашувида улардан бирининг денотанти бошқасининг моделига айланади, ўз ўрнида унинг тасвирий умумлашмаси бўлиб қолади” [17,117].

Рамзлашиш эса, одатда, ўхшаш ассоциатив негиз асосида рўй беради. Бунда рамзлар тузилишига жиҳатдан худди метафора каби бўлиб, турлича мазмунларнинг концептуал алоқалари воситасида намоён бўлади. Бундай

ҳолларда рамзни метафорадан қуйидагича фарқлаш мумкин: метафора тайёр белги ёрдамида унинг иккиламчи моделлашган семантизацияси сифатида юзага келади; рамз эса табиий ва концептуал алоқа ҳамда белгига айланган ушбу алоқадан келиб чиқадиган моҳиятни ўзида акс эттиради [ўша асар].

Лингвистик ифодаланган рамз ҳар доим метафорадан фарқ қилади. Уларнинг ҳар иккиси жуфт маъно муносабатига эга бўлса-да, метафора айнан бир лингвистик объектнинг икки кўринишини бирлаштиради. Рамз лингвистик ҳодисани нолисоний табиатга эга бўлган тушунча билан ҳам боғлай олади [18].

Муайян шароитларда оддий белгилар метафоризация босқичини четлаб ўтиб рамзга айланиши ҳам мумкин. Масалан, соф миқдорий математик белгилар – "уч", "етти", "қирқ" каби сонлар охир-оқибат турли эмоционал-семантик мазмунга эга бўлувчи рамзга айланган.

Метафоранинг кўзга яққол ташланадиган хусусиятларидан яна бири шундаки, мантикий нуқтаи назар билан қаралса, у ҳар доим муболаға (ёлғон, сохталик) тамойилига асосланади [19] (масалан, "мактабимиз қалдирғочлари", "қонталаш уфқ", оғир гап ва ҳ.), рамзда бу каби ҳолат бўлиши мумкин эмас. Бу каби метафоралар қўлланганда ифодаланаётган маънони мантиқангина қабул қиламиз ва тасаввуримизга сиғдира оламиз, реал ҳолатда уни тушуниш ва қабул қилишнинг имкони йўқ. Рамз қўлланилганда эса, унинг маъносини ҳар қандай ҳолатда ҳам воқелик сифатида, тўғридан-тўғри қабул қиламиз. Масалан, "Олмани отдим отганга, Сим каравотда ётганга..." (Халқ кўшиғи) жумласидаги "олма" муҳаббат рамзи эканлиги, уни отиш орқали "муҳаббат изҳор қилиниши" оддий, табиий ҳолда тушуниш мумкин бўлган жараёндир.

Метафора ҳам ифода, ҳам мазмун жиҳатидан нисбий (релятив) бўлгани ҳолда, рамз фақат мазмун жиҳатидан нисбийдир. Метафорани контекст юзага келтирса, рамз ўзи контекстни яратади. "Тонг отмоқда. Мусаффо тонгга, Юрагини тутар одамлар" (Р.Парфи, "Тонг отмоқда") жумласида келтирилган "тонг" лексемаси рамзий маънода қўлланиб, янги умид, янги режалар, порлоқ келажакнинг бошланиши каби қатор

маъноларни ўзида мужассамлаштиради ва унинг талқини алоҳида бир контекстни ташкил этади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, метафора табиатига кўра бинар ҳодиса бўлиб, у объект ва "призма" ўртасида ягона, тўғридан-тўғри, воситасиз алоқани ўрнатади. Биз объектни шу призма орқали кўришимиз мумкин бўлади. Бу борада рамз панрелятив ҳисобланади [19].

Метафора ўз асосига кўра синтагматик бўлиб, айнан белгиларнинг ностандарт кетма-кетлиги унинг семантикасини лисоний мазмундан ташқарига олиб чиқади. Рамз эса парадигматик хусусият касб этади.

Метафоралар маълум тизимни ҳосил қилиши мумкин, рамзлар эса аввалдан рамзий тизимларда мавжуд бўлади. Метафора системасининг юзага келиши онгли равишда индивидуал ёки оммавий нутқ яратилиши билан боғлиқ.

Вақтлар ўтиши билан метафоралар маъноси хиралашади, унинг ўзига хослиги йўқолади. Уни англашга бўлган ҳар бир уриниш метафоранинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Рамз бу жиҳатдан битмас-туганмасдир. Киши рамзни тушунишга қанчалик кўп уринса, унинг чуқур ва очилмаган маънолари шунчалик ойдинлашаверади. Рамз жилосини ўчиришнинг ягона йўли – бу, уни унутишдир. Лекин бу ҳам амалда мумкин эмас, чунки рамзнинг ўзи бошқа рамзларнинг ассоциацияси бўлиб, бу жиҳатдан унинг мақоми рамзий изчиллик билан олдиндан таъминланган бўлади. Ўз ўрнида метафора нутқий фаолият доирасида, рамз эса тил ва маданият доирасида кузатилиши олимлар томонидан таъкидлаб ўтилганини қайд этиш лозим.

Метафора фразеологик бирликларнинг шаклланиши асосида ётиши мумкин. Фразеологизмларда метафорик алоқанинг у ёки бу сабабга кўра йўқолиши кузатилади, лекин метафорага асосланган иборанинг маъносини унинг таркибий қисмлари маъносидан ажратиб бўлмайди. Агар ибора таркибида рамз мавжуд бўлса, рамзнинг маъноси нафақат сақланиб қолади, балки алоҳида қисм (фрагмент)ларга ҳам парчаланиши мумкин [19]. Масалан, "Ётти номусини ерга букмоқ" ибораси орқали "уялтирмоқ", "шарманда қилмоқ" каби тушунчанинг кучайтирилган, муболаға